ЎзССР Давлат китоб палатаси
Инв. ___

Тошкент оқшоми

Иҗтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 92 (8.290) ◆ 1993 йил 25 май, сешанба ◆ Нархи 5 сўм

ЎЗБЕКИСТОН—ҲИНДИСТОН: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Раонинг Ўзбекистон Республикасига ташрифи

Кеча хабар қилганимиздек Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Раонинг республикамизга ташрифи давом этмоқда.

Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао ташрифининг иккинчи куни ҳам хайрли тадбир билан бошланди. Бош вазир жаноблари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида пойтахтнинг «Ўзбекистон» кўчасидаги Ҳиндистон элчихонаси янги биносининг қурилиши бошланиши муносабати билан ўрнатилган ёдгорлик лавҳаси очилиш маросимида иштирок этди.

Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Далип Мехта маросимни очиб, йиғилганларни ушбу тарихий воқеа билан қутлади.

— Бу ерда қурилажак элчихона бинои ўзбек ва ҳинд халқларининг дўстлик уйи бўлади, — деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов. — Келажакда амалга ошадиган сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларимизнинг ривожланишига катта ҳисса қўшади. Элчихона вакилларига бу борада катта муваффақият тилайман.

Ўз навбатида Ҳиндистон Бош вазири янги элчихона қурилишига Тошкентнинг энг кўркам кўчасидан жой ажратилгани учун Президентга миннатдорлик изҳор этди. Элчихона, ҳақиқатан ҳам икки халқнинг дўстлик маскани бўлиб қолишига ишонч билдирди.

Ўзбекистон Президенти ва Ҳиндистон Бош вазири янги элчихона биносининг лойиҳаси билан танишдилар. Шундан сўнг Ислом Каримов ва Нарасимха Рао жаноблари ёдгорликнинг мармар лавҳасини очдилар.

●

Ўша куни Нарасимха Рао бошчилигидаги расмий делегация аъзолари Хоразмни зиёрат қилдилар.

Меҳмонлар қадимий Хиванинг тарихий обидаларини томоша қилдилар. Кўҳна Арк дарвозахонасида бир пиёла чой ичдилар.

Хоразм вилояти ҳокими М. Жуманиёзов азиз меҳмонлар шарафига зиёфат уюштирди. Ўша куни меҳмонлар Тошкентга қайтишди. Сафар чоғида уларга республикамиз Бош вазири А. Муталов ҳамроҳлик қилди.

●

Халқлар дўстлиги саройида Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Нарасимха Рао иштирокида Ўзбекистон — Ҳиндистон музокаралари бўлди.

Расмий делегациялар музокаралари якунланиши билан икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилувчи ҳужжатларни имзолашга киришилди.

Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик принциплари тўғрисидаги шартнома, Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида фойда ва мулкка икки ёқлама солиқ солмаслик тўғрисидаги, ҳаво йўли тўғрисидаги, савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар ҳамда ўзаро англашма тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Сўнгра Ўзбекистон — Ҳиндистон музокаралари якунлари юзасидан мамлакатимиз ва чет эл журналистлари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда ҳар икки мамлакат расмий делегацияларининг музокаралари ғоят самарали бўлгани, Ўзбекистон билан Ҳиндистон халқларининг аждодлардан муқаддас мерос бўлиб қолган анъанавий дўстлиги, ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш имконини берадиган муҳим ҳужжатлар имзолангани қайд этилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао журналистларнинг саволларига батафсил жавоблар беришди.

25 май куни Бош вазир Нарасимха Рао раҳбарлигидаги Ҳиндистон ҳукумат делегацияси аъзолари Олмаотага жўнаб кетишди.

СУРАТДА: Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарасимха Раонинг Ўзбекистонга ташрифидан лавҳа.

(ЎзА).

АЛОҚАЛАРИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

АВВАЛАМБОР шуни айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий, иҗтимоий-сиёсий ҳамда маданий алоқалар узоқ ўтмишга бориб тақалади. Масалан, ҳинд кинофильмларини олиб кўрайлик, «Ганга ва Жамна», «Сангам», «Гул ва тош», «Дунё» ва бошқа ҳинд кинофильмларини томоша қилмаган киши кам бўлса керак. Ёки дунёга машҳур ҳинд чойини ҳозир ҳам севиб истеъмол қиламиз. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бир сўз билан айтганда Ҳиндистон билан алоқаларимизнинг ўзига хос тарихи бор.

Энди икки мамлакат ўртасидаги ҳозирги кундаги алоқаларга келсак, у 1991 йил август ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистонга қилган амалий ташрифидан кейин айниқса ривожланиб кетди. Хўш, биз нимага шундай деяпмиз? Чунки бунга бир қанча асослар бор. Мисол учун Президент ташрифидан бироз вақт ўтгандан кейин, яъни 1992 йил январь ойида Ўзбекистондан бир гуруҳ ҳукумат вакиллари яна Ҳиндистонга борди. Улар бу мамлакатда бўлган вақтида ўтган йил мобайнида маҳсулот алмашиш бўйича бир қанча ҳужжатларни имзолашди. Шунга асосан Ўзбекистон Ҳиндистонга пахта, карбомит, суюқ аммиак ҳамда мис маҳсулотларини етказиб бериши керак эди. Улар эса ўз навбатида республикамизга кичик-кичик цемент заводларини қуриб бериши, пестицид, чой, дори-дармонлар етказиб бериш ва бошқа мажбуриятларни олишган эди. Баъзи бир муаммоларга қарамаганда бу борадаги икки томонлама шартномаларнинг асосий қисми бажарилди. Янада аниқроқ қилиб айтганда ўтган йили икки давлат ўртасидаги маҳсулот алмашиш 2100,2 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Бундан ташқари ўтган йили 5 март куни Тошкент — Деҳли — Тошкент ҳаво йўли очилди. Ҳозирги пайтда ҳафтасига тўрт марта йўловчилар, бир марта юк ташувчи самолётлар икки томонга қатнаб турибди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирги кунда бу икки томонлама ҳаво йўллари транспортини «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётлари таъминлаб турибди.

Шуни айтиш керакки, Ҳиндистон давлати ташқи ишлар вазири Р. Л. Бхатиянинг Ўзбекистонга қилган ташрифи ҳам жуда маҳсулдор бўлди. Икки томонлама иқтисодий ҳамда техникавий ҳамкорлик қилиш бўйича шартномалар тузилди. Ташриф арафасида Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳукуматлараро қўшма комиссиясини тузиш ҳақида ҳам келишиб олинди. Бу комиссия эндиликда икки томонлама тузилган шартномаларнинг бажарилишини назорат қилиб туради. Бундан ташқари оммавий-ахборот, маданият, санъат ва спорт соҳаларида ҳамкорлик қилиш борасида ҳам битимлар имзоланди.

— Ҳақиқатан ҳам Президентимиз Ҳиндистонга бориб келгандан кейин икки томонлама алоқаларимиз ҳамма соҳаларда ривожланиб кетди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ўзлаштиришни талаб этишдан бошқа чора қолмайди. Афсуски, бугунги кунда бунинг бутунлай акси бўлган манзарани кўриб турибмиз. Ажратилган маблағлар ўзлаштирилмаяпти, ишчи қўллари ва мутахассисларнинг етишмаётганлиги сезилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳозир асосий диққат-эътибор уй-жой қурилишига қаратилиши даркор. Бинобарин, турар жойга доимий юқори эҳтиёж мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, қурилиш ҳажмининг камайишини сира оқлаб бўлмайди. Зеро, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтган барча мамлакатларда уй-жой объектларини бунёд этиш қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун муҳим омил вазифасини ўтайди.

Дарҳақиқат, Тошкент шаҳрининг қурилиш соҳасининг ривожланишига Республика иқтисодиётида юз берастган умумий жараёнлар ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бироқ, бу атрофда бўлаётган жараёнга бефарқ томошабин бўлиш учун асос бўлолмайди. Бу ишга мутасадди ва манфаатдор шахсларга жорий йилда камида 600 минг квадрат метр турар жойни қуриб фойдаланишга топшириш учун имкониятларни ҳисоблаб ишга солиш вазифаси топширилди.

Мажлисни Тошкент шаҳар Ҳокими Атҳамбек Фозилбеков олиб борди.

Дамир ИСМОИЛОВ.

** Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамасида*

ХАЛҚ ЭҲТИЁЖЛАРИГА—АСОСИЙ ЭЪТИБОР

Пойтахт Ҳокими маҳкамаси қурилиш-инвестиция мажмуи фаолларининг йиғилишида жорий йилнинг тўрт ойи якунлари таҳлилига кўра капитал қурилиш соҳасидаги ишларнинг аҳволи қаттиқ танқид қилинди.

Келинг, яхшиси аниқ далилларга тўхталиб ўтайлик. Қурилиш мажмуининг ўз кучи билан амалга оширилган пудрат ишларининг ҳажми 1991 йилнинг худди шу даврига нисбатан деярли учдан бир баробар камайган. Қуриб битказилган иншоотларга келсак, бу борада аҳвол яна ҳам ёмон. Чунончи, шу йилнинг 4 ойи мобайнида атиги 74,5 минг квадрат метр турар жой бинолари фойдаланишга топширилди. Бу эса тақкосланаётган даврга нисбатан 28 фоиз миқдорни ташкил этади, холос. Бундан ташқари болаларнинг мактабгача муассасалари, умумтаълим мактабларидаги ўқув жойларини ҳисобга оладиган бўлсак, бирорта юқоридаги каби иншоот қурилгани йўқ. Оқсаш, шунингдек, иҗтимоий соҳа ҳамда ишлаб чиқариш иншоотларини қуриш бўйича ҳам яққол намоён бўлмоқда. Бундай иншоотларнинг кўпчилиги «туя гўштини еган» қурилиш иншоотларига айланган.

Агарда илгари пойтахтда фақатгина Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармасининг кучи билан миллионлаб квадрат метр турар жой бинолари бунёд этилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, аҳволнинг нақадар аянчлилиги янада кўпроқ кўзга ташланади. Жорий йилда эса 300 минг квадрат метрдан бир оз ортиқроқ қурилиш ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Ҳозир шароит шундайки, шаҳар бошқарув идораларининг ўзлари бажариладиган иш ҳажмларини белгилаш ҳуқуқига эгалар, «юқори»дан ҳеч ким ўз гапини ўтказмайди. Бироқ дўппини ерга қўйиб чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрайлик, ахир биринчи навбатда биз инсонлар ҳақида қайғуришимиз керак. Ҳолбуки, минглаб оилалар бир неча йиллар давомида уй-жой олиш учун навбатда турибди, ахир.

Мажлисда қурилаётган иншоотларни маблағ билан барқарор таъминлаш бу борадаги вазиятни мувофиқлаштиришда муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шуниси қувонарлики, маҳкур йил давомида беш ярим миллиард сўм атрофида қўшимча маблағ ўзлаштирилиб, бир марта юк ташувчи самолётлар икки томонга қатнаб турибди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирги кунда бу икки томонлама ҳаво йўллари транспортини «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётлари таъминлаб турибди.

Шунинг учун ҳозирги кунда ҳамма ишлар ниҳоясига етказилиб, пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги қўшма корхоналар сони эса бугунги кунга келиб 20 тага етди. Уларнинг 11 таси халқ истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришга, 2 таси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга, 5 таси умумий овқатланиш, савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатишга, 2 таси табобатга мўлжалланган. Мисол учун шаҳримизда жойлашган «Совиндэлектроник» қўшма корхонасини олиб кўрайлик. Корхона ҳозир республикамизга жуда зарур бўлган электрон-ҳисоблаш машиналарини ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Ёки Қорақалпоғистонда фаолият кўрсатаётган «Ўзбек Парле» қўшма корхонаси минерал сув ҳамда бошқа яхна ичимликлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиряпти. Буларнинг ҳаммаси республикамизни халқ истеъмол буюмлари билан тўлдириш ҳамда корхоналар ўртасида рақобатни вужудга келтириш учун қилинаётган ишлардир. Чунки рақобат бўлган жойда маҳсулотлар арзон ҳамда сифатли бўлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин жаҳондаги давлатлар билан ҳамма соҳаларда ҳамкорлигимиз ривожланиб бормоқда. Бундан Ҳиндистон ҳам мустасно эмас. Буни юқоридаги мисолларимиз тасдиқлаб турибди. Шуларга қўшимча қилиб яна шуни айтиш мумкинки, ҳозирда республикамизнинг олий ўқув масканларида 481 та ҳиндистонлик талабалар таҳсил олмоқда. Айни пайтда уларнинг ўқиши ва дам олишлари учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Ўйлаймизки, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарасимха Рао жанобларининг мамлакатимизга дўстона ташрифидан кейин бу алоқалар янада ривожланади.

Ғулом ЮСУПОВ.

** Меҳнат жамоаларида*

МАВСУМГА МОСЛАБ

ҚУЁШЛИ Ўзбекистонда ёз ойлари кўпи бошидаги шляпанинг асқотиши ҳаммамизга маълум. Шу пайтгача савдо расталаридан Москва, Санкт-Петербург ва Болтиқбўйида ишлаб чиқарилган эркаклар шляпалари ўрин олар эди. Бу ҳам майлия, кунлар қизиган сайин шляпанинг республикамизда анқонинг уруғи бўлишини айтмайсизми? Бу муаммони бартараф этишга киришган Йўлдош Охунбобоев номли Тошкент бош кийимлар фабрикаси моделчилари икки турдаги эркаклар шляпасини ишлаб чиқаришга жорий этишди. Тоза жун материали ва сунъий тиндан тикилган шляпалар мутахассислар назоратидан ўтиб, яхши баҳо олди.

— Шу кеча-кундузда биринчи бор шаҳримиздаги Марказий универсал дўконига бу икки турдаги эркаклар шляпаларини юборамиз. Унга савдо ташкилотларидан талаб ниҳоятда катта,— дейди фабриканинг бош муҳандис вазифасини бажарувчиси Ҳалима Шарапова.

Бундай шляпаларни ҳар ойда минглаб ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари «Учқун» тикувчиликатторлик ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда ёзги иқлимга мослашган катталар ва болалар шляпаларини тикиш ҳам йўлга қўйилди.

Шуниси қувончлики, фабрикада тикув дастгоҳларн ўрнатиш асосан корхонанинг ўз кучи эвазига амалга ошириляпти. Йил бошидан буён 30 дона янги тикув машинаси ўрнатилди. 22 та янги модель ишлаб чиқаришга тадбиқ этилди. Улар ўзининг харидоргирлиги билан савдоси чаққон.

Шунингдек, бош кийимлар фабрикасида ишчилар манфаати юқори. Ўтган тўрт ойда ишчиларнинг ўртача даромади 48 минг сўмни ташкил этди. Бу ҳар ойда 12 минг сўм демакдир. 1 апрелдан бошлаб ишчиларга транспорт ва овқат пули учун кунига 90 сўм бериляпти. Албатта, ишчиларга кўрсатилган ғамхўрлик туфайли ҳар бир корхона меҳнат ютуқларига эришади. Буни фабрика мисолида ҳам кўриш мумкин. Улар халқ истеъмол молларини 127,6 фоизга, товар маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 159,4 фоизга уддалашиб тўрт ойлик режани 119,1 фоизга бажаришди. Қўшимча 5 миллион 300 минг сўм даромад қилишди. Булар эвазига 1 июндан фабрика ҳовлисидаги ташландиқ жойда кафетерий қуриб ишга тушириш мақсад қилиб қўйилди. Йил бошидан буён тиш даволаш хонаси, қандолатчилик цехи ишга туширилди. Хуллас, бир сўз билан айтганда, Йўлдош Охунбобоев номли Тошкент бош кийимлар фабрикасида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ.

Юқоридаги ютуқларга эришишда «Ўзбекенгилсаноати» ассоциацияси яқиндан ёрдам қўлини чўзмоқда.

Эргаш ТЕМУРОВ.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● «Ўзбекистон» нашриёти Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласини тожик тилида нашр этди.

● Ангор тумани меҳнаткашлари республикада биринчи бўлиб пилла тайёрлаш режасини бажардилар. Қабул пунктларига 135 тонна қимматбаҳо хом ашё етказиб берилди. Туманда яна 70 тонна пилла териб олиш мўлжалланган.

● Республика давлат қимматбаҳо металлар комитети билан Канаданинг бир қанча йирик фирмалари уюштирган «Кон-руда саноатида амалий муносабатларга Ғарбнинг ёндашуви» мавзусидаги халқаро семинар давом этяпти.

● Бугун Тошкентда Ҳамдўстлик давлатлари молия идораларининг бухгалтерия ҳисоб-китоби масалаларига бағишланган мувофиқлаштирувчи кенгаши иш бошлади. Унда БМТ, қатор халқаро ташкилотлар, АҚШ, Англия, Германия, Франция, Венгрия ва бошқа давлатлар олимлари ҳамда амалиётчилари иштирок этмоқдалар.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● Бугун Москвада Россия билан Тожикистон ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома имзоланади.

● Бугундан бошлаб Россияда нефть ва нефть маҳсулотларининг нархини давлат томонидан бошқариб турилиши бекор қилинади.

● Бугун Москвада Россия Президенти Борис Ельцин ва Арманистон Президенти Левон Тер-Петросян ўртасида Тоғли Қорабоғ муаммосини ҳал этиш юзасидан музокаралар бўлиб ўтади.

● Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов республика ҳозирча рубль ҳудудида қолиши, лекин шу йил охиригача ўз пул бирлиги — манатни муомалага киритишга ҳаракат қилиши тўғрисида баёнот берди.

● Якшанба кунидан бошлаб Украина чегараларидан ўтадиган барча поездларнинг йўловчилари божхона текширувидан ўтишлари шарт бўлди.

● Киевга расмий ташриф билан келган Польша Президенти Лех Валенса Украина Президенти Леонид Кравчук билан учрашди.

● Минскда Ҳамдўстлик мамлакатлари мутахассисларининг ишлаб чиқаришда якка ҳокимликка қарши курашга қаратилган қонунчилик бўйича кенгаши бўлиб ўтди.

ХОРИЖДА

● Дунё харитасида яна бир давлат — Эритрея пайдо бўлди. Эфиопиянинг собиқ вилояти бўлган бу давлат ўз мустақиллигини расмий эълон қилди. Уни жаҳондаги кўпгина мамлакатлар тан олмоқдалар.

● Исроил Бош вазири Исҳоқ Рабин агар фаластинликлар Исроил билан ҳамкорликнинг асосий принциплари тўғрисидаги битимни имзоласалар, Ғазо секторига бошқа босиб олинган ҳудудлардан эртароқ мухторият беришга тайёр эканлиги тўғрисида баёнот берди.

● Корея Халқ Демократик Республикаси Англия ва Францияни Япония ва Жанубий Кореяга ядро қуролини яратишга кўмаклашишда, жумладан уларга плутоний сотишда айблади.

● Собиқ СССРнинг собиқ президенти Михаил Горбачев Нидерландия Бош вазири Рудольф Люббернинг таклифига биноан Гаагага келди. У халқаро яшил хоч ташкилотининг раиси сифатида шу ташкилотнинг бу ердаги қароргоҳи очилиши маросимида иштирок этади.

● 1 июлдан бошлаб Литва фуқаролари мамлакат ташқарисига фақатгина Литва паспортига эга бўлган ҳолда чиқа оладилар. Илгариги совет паспортига эга бўлганлар эса Россия фуқаролигини қабул қилганликлари тўғрисида белгига эга бўлишлари керак. Акс ҳолда улар Литвадан чиқарилмайди.

** Мустақиллик мевалари*

Янада тараққий этади

Республикамиз ўз мустақиллигини расман эълон қилганига ҳадемай 2 йил тўлади. Ана шу қисқа фурсат ичида кенг миқёсдаги ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятни тубдан ўзгартириш ва янгилаш йўлида дадил қадам қўйилди. Ўзбекистон жаҳон сари юз тутмоқда. Ҳорижий мамлакатлар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилмоқда. Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Абубакир Охунович ОХУНОВга мурожаат қилиб, бу соҳада олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Пойтахтимиз Тошкент азалдан дўстлик, қардошлик шаҳри сифатида шуҳрат қозонган. Азим шаҳримиз бозор муносабатлари шаклланаётган бугунги кунда мулкчиликнинг барча турларини ўз ичига олган ишбилармонлик тизимининг марказига айланиб бормоқда, десак муболаға бўлмайди,— деб таъкидлади А. Охунов.— Ҳозир Тошкент шаҳрида 934 та кооператив, 3201 та кичик корхона, 2021 та давлат корхонаси, 66 та ҳамкорликдаги корхона ва уларнинг филиаллари ишлаб турибди.

Яқин келажакда бу корхоналарнинг катта кучини ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга йўналтириш кўзда тутилмоқда. Ана шундай шароитда шаҳарнинг ташқи иқтисодий алоқаларга иштироки борасидаги фаолиятни марказлаштириш ва назорат қилишнинг аҳамияти ортади. Чунки Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқаларининг 60 фоизи Тошкент шаҳрига тўғри келмоқда.

«Тошинтерм» қўшма корхонаси бу ерда ишлаб турган энг йирик корхоналардан. Унинг маҳсулотлари жаҳон бозорида ўз харидорини топмоқда. Европа мамлакатлари, АҚШ, Аргентина, Жанубий Корея, Исроил давлатларига ўтган йили пахта толаси сотилди.

Собиқ Иттифоқ йўқ бўлиб, кўпгина корхоналар билан хўжалик алоқалари бузилди. Шунинг учун пойтахтдаги кўпгина корхоналар мустақил равишда ташқи бозорга чиқишга интилмоқдалар.

Бугунги кунда пахта толаси ишлаб чиқарадиган «Суперстиль» Ўзбекистон—Америка, жинси газмоли тайёрлайдиган «Тошкент — Коттон» Ўзбекистон—Италия, ногиронлар учун аравачалар тайёрловчи «Ўзавтромарк» Ўзбекистон—Австрия корхоналари иши яхши йўлга қўйилганлигини мамнуният билан қайд этиш мумкин.

Ўйлаймизки, бундан буён ҳам пойтахтимизнинг ташқи иқтисодий алоқалари янада тараққий этади, бу эса жаҳон ҳамжамиятида республикамиз ўз ўрнига эга бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Машкура МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

** Мутасаддилар фикрича...*

ҲАФТА ОБ-ҲАВОСИ

Ранса ШОДИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси об-ҳавони кузатиш марказининг бошлиғи:

—Май ойи учинчи ўн кунлигининг асосий қисмида Ўзбекистоннинг айрим жойларида қисқа муддатли ёғингарчиликлар бўлиб ўтади. Момақалдироқ бўлиши, ёмғир айрим жойларда дўлга айланиши ҳам мумкин. Лекин ёғингарчилик кундан-кунга пасайиб боради. 27-28 майда эса Республика ҳудудининг катта қисмида ҳавонинг ёғингарчиликсиз очиқ бўлиши кутилади. Ҳарорат мўтадил-илиқ бўлиб, кечалари 12-17 даража, кундузи эса 25-30 даражага чиқади. Жануб томонларда эса ҳарорат 32 даражагача кўтарилиши мумкин. Фақатгина бугун ҳаво ҳарорати одатдагидан бирмунча пастроқ, яъни 22-27 даража бўлади. Шу куни Тошкентда момақалдироқ бўлиб қисқа муддатли ёмғир ёғади. Тунда ҳарорат 12-14 даража, кундузи эса 22-24 даража бўлади.

Бу ҳолат булут тўдаларининг Кавказ орти ва Краснодар ўлкасидан келиши билан боғлиқдир. Жумладан, май ойида ёғган ёғин-сочинлар миқдорини хулосалашга ҳали вақт эрта бўлса-да, бироқ 24 майгача Тошкентда ва бошқа бир қатор вилоятларда ёғингарчиликларнинг бир-икки ойлик миқдори ёғганлигини таъкидлаб ўтиш мумкин. Пойтахт вилоятининг айрим жойларида уч ойлик миқдоргача ёғин ёғган. Ўзбекистон пойтахтида эса 24 майгача ёғингарчилик ойлик ёғин миқдорининг 172 фоизини ташкил этди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, май ойи учинчи ўн кунлигида ёғингарчиликлар бўлиши унчалик кам учрамайди. Бундай ҳол ҳар 3-4 йилда кузатилиб турилади. Бу вақтда кунига 15 миллиметрдан ортиқ ёғингарчилик бўладиган кучли жалалар эса ўрта ҳисобда ҳар 10 йилда бир марта юз бериши қайд этилади. Жуда қаттиқ жалалар эса деярли учрамайди ҳисоб. Тошкентда об-ҳаво кузатила бошланган 115 йиллик маълумотларга кўра бундай ҳол атиги бир неча марта кузатилган, 1895 йил 28 майда эса ўзига хос рекорд ҳам ўрнатилган. Ўшанда бир кеча-кундузда 50 миллиметр миқдорда ёғингарчилик ёғганди! Табиат ўзининг «рекорд»инни янгилайдими ёки йўқми бини вақт кўрсатади.

«Ипак йўли» ҳамкорликка чорлайди

Туркияда шу йилдан эътиборан турк ва рус тилларида янги маданий-иқтисодий журнал — «Ипак йўли» нашр этила бошлади. Номидан ҳам кўриниб турганидек, журнал Буюк ипак йўлида жойлашган Осиё ва Оврўпо мамлакатларининг, хусусан туркий жумҳуриятларининг иқтисодий ва маданий ҳамкорлигини ривожлантириш, бирлигини мустаҳкамлаш масалаларини ёритишни асосий мақсад қилиб олган. Журнал ҳомийси, туркиялик таниқли ишбилармонлардан Ирфон Қурт ўғли сўзбошида бу ҳақда шундай деб ёзади: «Ётмиш беш йиллик ҳасрат битди. Ипак йўли очилди. Биз бу кунларда таъриҳлашга сўз ожиз бўлган бахтиёрлик дамларини бошдан кечирмоқдамиз. Бугун ҳатто қуёш ҳам бошқача чиқмоқда, ҳаммамизга бошқача бир нур сочиб, бошқача бир иситмоқда. Бу ҳурлик қуёшидир... Ипак йўлидан қатъий одимлар-ла илгари боражакмиз. Янада кучлироқ бўлиш учун бир-биримизни қўллаб-қувватлаяжакмиз. Келинглар, қўлни-қўлга бериб, Ипак йўлига муҳаббат ва тинчлик уруғларини экиб, ишонч-ла ўстирайлик».

— Янги нашрнинг илк сонидан Туркия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Туркманистон жумҳуриятлари ҳаётига оид ранг-баранг материаллар, фотолавҳалар, мақолалар ўрин олган, — дейди журналнинг Ўзбекистондаги вакили, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётининг директори Бобохон Шариф. — Уларнинг ҳаммасида бирлик ва ҳамкорлик ғояси бош мақсаддир. Дастлабки саҳифаларда Буюк ипак йўли тарихи, бу йўлда жойлашган мамлакатлар ҳақида маълумотлар, кўркам, тиниқ рангли суратлар берилган. Журнал турк дунёсининг ижтимоий ва иқтисодий ҳамкорлигини қарор топтириш ҳамда ривожлантиришда муҳим ўрин тутган олтита турк давлати раҳбарларининг 1992 йил 30—31 октябрда Анқарада ўтказилган олиймақом учрашувини ёритишга катта аҳамият берган. Туркия жумҳуриятининг ўша вақтдаги Бош вазири, ҳозирги Президенти Сулаймон Демирэл айтганидек, бу учрашув туфайли турк дунёси кенгайиб, Адриатика денгизидан Буюк Хитой деворига бориб етди. Янги дунё майдонга чиқиб, янги жўғрофия шаклланмоқда. Бу дунёнинг номи Оврўосиёдир.

Журналнинг кейинги саҳифаларида олтита турк жумҳуриятидан ҳар бирининг иқтисодий ва маданий ҳаёти алоҳида-алоҳида ёритилади. Бу мақолалар, фотолавҳалар туркуми ҳар бир давлат ёки ҳукумат бошлиғининг сўзлари билан бошланади. Сўнг шу жумҳурият тарихи, жўғрофияси, иқтисодий ва маданий ҳаётига оид ранг-баранг материаллар берилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳаётига айниқса кенг ўрин берилган. Бу туркум мақолалар ва бошқа материаллар жумҳуриятимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон яқин келажакда жуда кучли, буюк давлат бўлажак» сўзлари билан очилади. Саҳифада Президентимизнинг Ўзбекистонни бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган эркин демократик давлатга айлантириш борасидаги фикрлари ёритилади.

Журналда ўзбек маданияти тарихини ёритишга ҳам катта эътибор берилган. Дунё маънавий хазинасига улкан ҳисса қўшган буюк олимларимиз, шоирларимиз, алломаларимиз тўғрисида маълумотлар бор.

Журналда таъкидланганидек, турк жумҳуриятлари чинакам Уйғониш даврини бошдан кечирмоқда. Ўйлаймизки, бу даврда «Ипак йўли» қардош мамлакатларимизнинг тараққиёт сари интилишларини бирлаштиришда, туркий халқларнинг мангу ҳамқадам ва ҳамнафас бўлиб келажакнинг ойдин йўлига чиқиб олишида маёқ бўлади.

(ЎзА).

БАЖАРИЛГАН БУЮРТМАЛАР

ТОШКЕНТ метрополитенининг Юнусобод янги йўналишида ер ости бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилаётган ҳозирги кунда қурилиш материаллари ва техникавий қурилмаларга бўлган эҳтиёж катта бўлмоқда. Буни ҳисобга олган ҳолда қурувчилар тадбиркорлик билан иш юритишмоқда. Метрополитеннинг бош муҳандиси Х. Ғофуров бошлиқ бир гуруҳ етакчи мутахассислар бунёдкорлик ишларининг бир маромда бўлишини таъминлаш мақсадида шаҳримиздаги саноат корхоналари билан яқин ҳамкорлик алоқасини боғладилар.

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси метросозлар буюртмасини адо этишга киришди. Тошкент асбобсозлик заводида ҳам метро қурилиши учун зарур техника воситалари тайёрланмоқда. Айни пайтда корхонада чўян материалларни кўплаб ишлаб чиқаришга киришилди.

Ер ости пўлат изларда мунтазам қатнаб турган поездлар сони яқинда яна ортди. Метросозлар буюртмаси бўйича Митишченск вагонсозлик заводи катта ишларни бажарди.

— Бундай замонавий вагонлардан 17 таси Тошкентга олиб келинди, — дейди метрополитен техника бўлимининг бошлиғи Э. Имомназаров. — Улар йўловчилар учун жуда қулай бўлиб, қатор автоматик имкониятларга ҳам эга. Биз ана шу буюртма учун 358 миллион сўм пул сарфладик.

Акбар АЛИЕВ.

* *Меҳнатинг — зийнатинг*

ЭНГ КАТТА МУКОФОТ

ЭРГАШ ака Низомов ҳақида сўз юритишга Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти сиёсатшунослик кафедраси катта ўқитувчиси Турсунбой Султоновдан келган хат сабаб бўлди.

Оддий касб эгаси ошпаз Эргаш ака шаънига битилган ушбу илиқ сатрлар билан Яккасарой тумани умумий овқатланиш-ҳиссадорлик бирлашмаси директори Ҳожибек Ўрмоновни таништирганимизда, у ҳам бу киши ана шундай миннатдорчиликка арзишини таъкидлади.

Эргаш ака Низомов юқорида тилга олинган институт қошидаги 6-ошхонада бош ошпазлик қилади. У 35 йилдан бери мана шу касбда ишлаб келади.

— Маълумки, олий ўқув юртларида таълим олаётган талабаларнинг турмуш тарзини яхшилаш, уларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилмоқда, — дейди бизга Э. Низомов. — Шуни ҳисобга олиб талабаларга хизмат кўрсатадиган ошхоналарда тайёрланаётган таомлар 50 фоиз чегирма билан сотилади. Бундан биз ишлаётган институт ошхонаси ҳам мустасно эмас. Яна талабаларга кунлик овқат учун бериладиган 30 сўмлик талонларни айтинг. Ахир бу чинакам ғамхўрлик белгиси эмасми? Биз таомлар нархларини ҳам ана шу талон баҳосига мослаб белгилаймиз. Агар бу нархлар кўча ошхоналаридаги таомлар баҳоси билан таққосланса ўртадаги тафовут яққол сезилади.

Ошхонанинг ишлаш вақти ҳам талабалар шароитига қараб белгиланган. У эрталаб соат 7.30 дан бошлаб кечки соат 5 гача ишлайди. Шу муддат давомида 10 та ошпаз мингдан ортиқ талаба эҳтиёжини қондиради. 160 ўринли ва 120 ўринли қишки-ёзги хоналар бир кунда 3-4 бор хўрандалар билан гавжум бўлади. Кундалик савдо ҳисоби эса ўртача 46 минг сўмни ташкил этади.

— Ошхонанинг қурилиши тарихи ҳам қизиқ бўлган, — дейди бизга мусиқа-педагогика факультети декани Ҳамидулла Нурматов, — бу таомхона ўрнида илгари қаровсиз омборхона мавжуд эди. Институтимиз ректори Комилжон Юсупов бир куни Эргаш акага шу жойда ошхона бунёд этсак қандай бўларкин, деган таклифни киритиб қолди. Бу гап Э. Низомовга маъқул тушди. У дарҳол бу хусусда туман овқатланиш бирлашмаси бошлиқларига гапириб берди.

Кўп ўтмай тарих факультети ҳовлисида бунёдкорлик ишлари бошланиб кетди. Қурилиш ишига бирлашманинг барча ошхоналари жалб этилди. Улар зиммасига аниқ вазифалар юклатилди. Албатта асосий юмушларни бажариш Эргаш ака Низомов бош бўлган ошпазлар ҳиссасига тўғри келди.

Кўпдан қуён қочиб қутилмас деганларидек 12 кунда қурилиш ниҳоясига етиб 160 ўринли замонавий ошхона ишга тушди. Шу билан бирга 120 ўринли шийпонли таомхона, битта нонвойхона, 3 та гуммахона қурилди.

Биз мириқиб тушлик қилаётган талабаларни суҳбатга тортдик. Уларнинг барчаси ошхона хизматидан мамнун эканликларини баён этишди.

— Устозларим менга ҳамиша ширинсухан ва ҳалол бўлишликни ўргатишган. Мен ҳам шогирдларимдан мана шуни талаб қиламан. Чунки бизнинг касб-коримиз хизматчилари учун бу икки хусусият жуда ҳам зарур. Хўрандаларнинг миннатдорчилигига келсак, у менинг учун энг катта мукофот, дейди Эргаш ака Низомов.

Маҳмуд ОРИПОВ.

* *Иш билан бандлик*

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА КАФОЛАТ

● Бозор иқтисоднётига ўтиш жараёнидаги баъзи мураккабликлар, таъминотдаги узилишлар баъзи корхона ва ташкилотларда иш ўринларининг қисқартирилишига сабаб бўлмоқда. Хўш, ана шу боис вақтинчалик бўлса-да ишсизлар сафидан жой олган ҳамшаҳарларимиз тақдири билан кимлар шуғулланаяпти? Умуман мазкур муаммо қай даражада ва қандай ҳал этилмоқда? Тошкент шаҳар иш билан бандлик, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Собиржон Сандкаримов билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

⊙

— Бугунги кунда ҳар қандай ташкилотга раҳбарлик қилишнинг ўзи бўлмаса керак?

— Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг ўнлаб муаммолари борки, уларни тезда ечиш ёки ҳал этишнинг ўзи бўлмайди. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида «Бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларига тик кўз билан, реал қараш керак» дейилади. Шу сабабдан ҳозир ҳеч кимга осон эмас. Лекин олдимизда қанчалик қийинчиликлар бўлмасин, бир нарсага — Ўзбекистонимизнинг эртаси порлоқ, йўли ойдин эканлигига ишончим комил. Президентимизнинг узоқни кўзлаб олиб бораётган доно сиёсати, уни халқимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганлиги, бу ишларнинг жаҳондаги давлатлар томонидан эътироф этилаётганлиги фикримизнинг далилидир.

— Ишсизлик муаммоси бугун келиб чиққани йўқ-ку?

— Турғунлик деб аталмиш даврда ҳам ишсизлар етарлича топиларди, фақат тилга олинмасди. «Касалини яширсанг, иситмаси ошкор қилади», деб бежиз айтмайди халқимиз. У пайтдаги ишсизлар ҳозиргидек давлат томонидан ижтимоий муҳофаза қилинмасди. Ҳозир эса бунга давлат аҳамиятига молик иш сифатида қаралмоқда ва тўғри қилинаяпти. Чунки давлат ўз аҳолисини ҳимоя қила олган тақдирдагина инсонпарвар саналади.

Бозор иқтисодиётининг эса ўзига хос қонун-қоидалари бор. Шунинг учун ҳам Меҳнат вазирлиги ва унинг бўлинмалари ташкил этилди. Бу мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлидаги дастлабки қадамлардан биридир.

Фақатгина жорий йилнинг ўтган тўрт ойида жойлардаги меҳнат биржаларимиздан 4760 фуқаро рўйхатдан ўтган. Шулардан 1615 нафари ишга жойлаштирилди. 940 кишига ишсизлик мақоми берилиб нафақа тўланмоқда.

— Ишсизлик ҳақида суҳбатлашаяпмизу, бироқ шаҳримиздаги корхоналарда минглаб бўш иш ўринлари бор...

— Дарҳақиқат, бошқармамиздаги расмий маълумотларга кўра ҳозир шаҳримиздаги 600 га яқин корхоналарда 10156 бўш иш ўринлари мавжуд. Жумладан, қурилишга 3613, саноат корхоналарига 2230 нафар бўёқчи, пардозловчи каби кўплаб мутахассисликлар зарур. Нисбатан ишга кириш қийин саналган савдо шохобчалари ҳамда умумий овқатланиш тармоқларига ҳам 118 нафар касб эгаларй керак. Шунингдек, алоқа, жамоат транспортида ҳам ишчи кучига бўлган талаб катта. Ўйлайманки, бу вақтинчалик жараён. Ҳаётнинг, тараққиётнинг ўзи барчасини жой-жойига қўяди.

Бундан ташқари шаҳримиздаги туманларда у ёки бу касбга бўлган талабларда ҳам анчагина тафовут бор. Масалан, Собир Раҳимов туманида ҳайдовчилар қисқартирилаяпти. Бироқ Юнусоддаги автокорхоналарга шундай касб эгалари керак. Бундай мисолларни хоҳлаганча келтириш мумкин. Бизнинг вазифаларимиздан бири эса ана шу жараёнларни мувофиқлаштиришдан иборатдир.

Меҳнат биржаларида рўйхатда турганларнинг тўртдан бир қисмини олий ёки ўрта маълумотлилар ташкил этади. Албатта, уларнинг аксарияти ўз соҳаси бўйича ишга жойлашишни исташади. Бу табиий ҳол. Лекин ҳамма вақт ҳам бунинг имкони бўлмайди. Бундай пайтларда иккинчи мутахассисликни эгаллашни таклиф этамиз. Мана ҳозир ўқув марказимизда бухгалтерлик курси ташкил этганмиз.

Бу — давр талаби. Чунки кейинги пайтларда кўплаб кичик корхоналар, турли уюшмалар, фирмалар, жамоат ташкилотлари, биржалар ташкил этилди. Уларнинг ҳаммасига ҳисобчилар керак. Ҳозир у ерда ўша жараённи ҳис этган ўнлаб олий маълумотлилар таълим олишмоқда. Ўқиш жараёнида маош тўланади, битиргач ишга жойлаштирилади.

— Бошқарма ходимлари олдида турган вазифалар, келгуси режалар қандай?

— Очиғини айтиш керак, ҳалигача кўпчилик жойлардаги меҳнат биржалари фаолияти, уларнинг асосий йўналиши ҳақида тўла тушунчага эга эмаслар. Меҳнат биржаларини савдо-сотиқ билан шуғулланади, деб ўйловчилар ҳам топилади. Вақтинчалик ишсиз юрганларни фақат ишга жойлаштириш билан шуғулланувчи корхона-да дегувчилар ҳам кўпчиликдир. Аслида эса бизнинг фаолиятимиз доираси анча кенг. Асосий ишимиз аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишдан иборат. Шунингдек, уларни ишга жойлаштириш, янги касб ўрганишларига ёрдамлашиш, ҳуқуқий жиҳатдан маслаҳатлар бериш ҳам хизмат доирамизга киради.

Келгусидаги режаларга келсак, шаҳримизда яшовчи ва бизнинг ёрдамимизга муҳтож бўлган ҳар бир фуқаро ходимларимиз эътиборидан, ёрдамидан четда қолиб кетмаслиги учун қўлимиздан келган барча ишларни қиламиз.

— Ташкил этилганларингизга бир йилдан ошди. Шу ўтган даврда қандай ўзгаришлар бўлди?

— Ўзгаришлар кўп. Дастлабки пайтларда кўпгина корхона раҳбарлари бизнинг бошқарма фаолиятини иккинчи, учинчи даражали, деб баҳолашарди. Ҳатто мавжуд иш ўринлари ҳақида маълумот ҳам беришмасди. Ҳозир аҳвол ўзгарган. Улар бугунги шароитда бизнинг зиммамиздаги вазифанинг нақадар муҳим эканлигини кундан-кунга тобора чуқурроқ ҳис этмоқдалар. Бироқ улар орасида ҳаётдан ортда қолаётганлари, ҳанузгача меҳнат биржалари ишига тўғри баҳо бериша олмаётганлари ҳам учраб туради. Биз ундайлар билан жиддий иш олиб бораяпмиз. Қолаверса, бу борада шаҳар Ҳокими маҳкамаси раҳбарлари бизга яқиндан ёрдам беришмоқда.

Суҳбатдош Йўлдош ИСМОИЛОВ.

* *Соғлом авлод учун*

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЁЗГИ ТАЪТИЛИ



● Мана, шаҳримиз мактабларида сўнгги қўнғироқлар ҳам чалинди. Ҳадемай, мактаб ўқувчиларининг завқли ёзги таътил кунлари бошланади. Хўш, бу йил болаларимизнинг дам олиши қандай ташкил этилади, улар ўз ёзги таътилларини қаерларда ўтказишади? Ана шу ва бошқа саволлар билан биз болаларнинг дам олишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш шаҳар комиссиясининг ҳамрахси, Тошкент шаҳар Ҳокимининг ўринбосари Шуҳрат Илҳомович ЖАЛИЛОВга мурожаат қилдик.

●

— Гарчи биз осон бўлмаган бир даврда яшаётган ҳамда болаларнинг ёзги таътилига тайёргарлик пайтида кўпдан-кўп муаммоларга дуч келаётган бўлсакда аввалги йилларда бўлганидек бу йил ҳам 60 га яқин лагерларнинг эшиклари болаларимиз учун очилади. Бу лагерларда мавсум давомида 70 мингдан зиёд бола дам олади. Айни шу кезларда таъмирлаш-тиклаш ишлари ниҳоясига етказиляпти, лагерларни педагоглар, тиббиёт ходимлари, болаларга хизмат кўрсатадиги одамлар билан жамлаш масалалари ҳал қилиняпти. Болаларнинг дам олишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш шаҳар комиссиясининг халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ишлари бош бошқармалари, шаҳар жисмоний тарбия ва спорт комитети, шаҳар умумий овқатланиш концерни, «Тошкентсавдо», шаҳар санитария-эпидемиология станцияси, «Тошкентшаҳарйўловчитранс» уюшмаси ва шунга мутасадди бўлган раҳбарлар билан биргаликда ўтказган ишчи кенгашларида болаларнинг ёзги дам олиши билан боғлиқ барча масалалар мажмуи бир неча бор атрофлича муҳокама қилинди. Ҳар бир бошқарма, ташкилот, корхоналар ҳозир болаларнинг ёзги дам олиши мароқли ва кўнгилли ўтиши устида бош қотирмоқда. Бинобарин мавсумга тайёргарлик кўрилаётган пайтнинг ўзида кўндаланг бўлаётган бир қанча масалаларни ҳал этишга тўғри келяпти. Қурилиш материалларини ва тиббиёт жиҳозларини қандай қилиб олиш, тўтарак ишлари учун материаллар таъминоти, спорт жиҳозлари сингари масалалар шулар жумласидандир. Бундай олиб қараганда муаммолар йўқдек бўлиб кўзга ташланади. Лекин аслини олганда бундай муаммолар керагидан ҳам кўпдир. Масалан, бу ўринда лагерларнинг аксарият кўпчилиги жойлашган Бўстонлиқ тумани маҳкамалари раҳбарларининг бир-бирлари билан ўзаро муносабатини олиб кўрайлик. Масалан, Угом-Чотқол миллий боғи ўз зонасида лагерларига эга бўлган барча корхоналардан 1 гектар ер учун 25 минг сўмдан солиқ тўлашни, ҳар битта хизмат автотранспортини сақлаганлиги учун 2 минг сўмдан солиқ тўлашни талаб қилган. Электр қувватидан фойдаланганлик, соғлиқни сақлаш хизмати учун ҳам худди шундай йўсиндаги талаблар қўйилган. «Сойлик» қўрғони қишлоқ кенгаши эса барча аҳолига водопровод қувурлари ўтказишни талаб этган. Акс ҳолда лагерлардаги водопровод йўлларини беркитиб қўйиш билан уларни қўрқитган. Шаҳар касаба уюшмалари кенгаши ана шу масала юзасидан болаларнинг дам олишига мутасадди бўлган Бўстонлиқ тумани маҳкамаси раҳбарлари билан учрашув ўтказиш ниятида.

Шуни айтиш керакки, ўқувчиларнинг таътил кунлари эшик қоқяпти. Шу боисдан ота-оналарда лагерларга бериладиган йўлланмаларнинг нархи қанча бўлиши тўғрисидаги масалага қизиқиш бўлиши табиий бир ҳол, албатта. Ҳа, дарҳақиқат йўлланмаларнинг нархи ошди: шаҳар атрофидаги лагерлар зонасига унинг нархи 7 минг сўм, санаторий типидаги лагерларга эса 8 минг сўмдир. Кундузи бориладиган шаҳардаги лагерларга эса хўжалик сарф-харажатларини ҳисобламаганда у 4,5 минг сўмни ташкил этади. Бироқ, ота-оналар йўлланмалар нархининг бор-йўғи 10 фоизини тўлайдилар, холос. Унинг қолган қисмини эса ижтимоий суғурталар, касаба бюджети, хўжалик ташкилотлари тўлайдилар. Бу ерда яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижтимоий жиҳатдан қатъий ҳимоя қилиш йўлидан борилган ҳолда йўлланмаларнинг 50 фоизи текинга берилади.

Тошкент шаҳар Ёшлар Иттифоқининг Кумушконда 900 ўринли ҳарбий-спорт лагерида ўсмирларнинг дам олишини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватланди. Бинобарин, ана шу лагерда мавсум давомида 900 ўсмир дам олади. Ҳозир кўриб чиқилаётган муҳим масалалардан бири бу — давлат нархи бўйича болаларнинг ёзги товарларини сотиш масаласидир.

Хуллас, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг, «Средазэлектроаппарат» бирлашмасининг, «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг, «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг лагерлари, бошқа ўнлаб лагерларда болаларимизнинг ёзги дам олиш таътил кунларини мароқли ўтказишлари учун қўлдан келган барча ишлар амалга оширилмоқда. Ишимизнинг яна бир муҳим жиҳати ҳақида айтиб ўтиш керак. Ишнинг педагогик жиҳатларига, ходимларни танлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Уларга қўйилаётган энг муҳим талаб болаларнинг дам олишини улар шундай йўсинда ташкил этишлари керакки, токи бунда тарбиявий ва таълимий жиҳатлар тўлалигича ўз ифодасини топсин, ёзги дам олиш ва таътил кунлари болаларни фақат соғломлаштириб қолмасдан, балки шу билан бирга уларда янги тафаккур қирраларини очсин, бири-биридан қувноқ спорт мусобақалари уларнинг эсида қолсин.

Ўқувчиларнинг ёзги таътил дамларини ўтказадиган лагерлар очилиши арафасида болаларнинг дам олишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш шаҳар комиссиясининг аъзолари бутун саъй-ҳаракатларини юзага келаётган муаммоларни зудлик билан ҳал қилишга, лагерларни ўз кўзлари билан кўриб, уларнинг болаларни қабул қилишга қанчалик тайёр эканлигига тўла ишонч ҳосил қилишга интилмоқдалар. Улар олдида турган бош вазифа шундан иборатки, шаҳар атрофидаги ва кундузи бориладиган шаҳардаги болаларнинг бирорта ҳам лагерлари эътибордан асло четда қолмасин. Болаларнинг ёзги таътил кунлари мароқли ва уларнинг эсида қоларли даражада ўтиши билан боғлиқ барча масалаларни ўз вақтида ижобий ҳал қилиш уларнинг фикри-ёдидадир.

Суҳбатдош Санд БОТИРОВ.

● Тошкентлик ўқувчилар суратларда тасвирланган ана шундай сўлим гўшаларда ўзларининг ёзги таътилларини мароқ билан ўтказадилар.

Е. Лейтман суратлари.

* *Минг бир касб*

БОЛАЖОН ОПА

ЭРТАЛАБ болалар боғчаси ёнидан ўтарканман оқ юзли, кўзларидан нур ёғилиб турган аёлга бири-биридан ёқимтой, ширинтойлар «боғча опа, боғча опа» деб эркаланишаётганини кўп кўраман. У сочларига бантик тақиб олган қизалоқни суюб кўтарса, бир қўлида дўмбоққина болакайни етаклайди. Бола меҳрини қозониш учун болажон бўлиш керак, ўйлайман ҳар гал опани кузатарканман. Ниҳоят, Юнусобод туманидаги 428-боғчанинг кичик ёшдаги болалар гуруҳи тарбиячиси бўлган Дилбар опа Муҳитдинова билан яқиндан танишиб қолдик.

— Тўғриси, шу болаларга, уларнинг шовқинию-суронига, инжиқликларига ўрганиб кетганман, — дейди Дилбар опа кулимсираб. — Аввалларига кулишарди ўртоқларим «Ишда болага қарайсиз, уйда 4 нафар болангиз, тўзим берсин-эй...» деб. Рост-да, кун бўйи улар билан шуғулланаман, кечки пайт ўз оилам, фарзандларим. Лекин мен боладан сира-сира зада бўлганим йўқ, акинча гуруҳимдаги кичкинтойларни ўз фарзандимдек кўраман. Ахир боғча опа — иккинчи она-ку! Оналар жигарбандларини сенга ишониб топширишади...

Дарвоқе, куюнчак опанинг обрў-иззатини кўриб унинг жонкуяр тарбиячи эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Дилбар опа асли тиббиёт ҳамшираси. Лекин, диплом олган кундан бери болалар тарбиячиси бўлиб хизмат қилади. Сабаби оддий, болаларга меҳри баланд, уларнинг ранги-рўйига қараб соғ-беморлигини айтиб беради. Тайёр ҳамшира боғча опа!

Дилбар опа меҳнат қилаётган боғча хушманзарали тартиб-интизоми ва жонкуяр фидойи тарбиячилари билан тумандаги намунали тарбия масканларидан бири ҳисобланади.

Яқинда боғчада ўтказилган туман боғча мудиралари ва услубиётчиларнинг семинар-кенгашида Дилором Содиқова, Моҳира Ризаева, Раиса Дмитриева, Гулчиной Маҳмудова, Гулнора Абдураҳмонова ва Арофат Эрматова каби тарбиячиларнинг очиқ машғулотлари ҳаммага манзур бўлди. Семинар қатнашчилари уларнинг иш тажрибаси, ибратли томонларидан намуна олишган бўлса, ажабмас.

— Кичик ёшдаги болалар билан ишлаш қийин эмасми? — сўрайман Дилбар опадан.

— Билмадим, менга кўпинча шу саволни беришади. Ўзимнинг 23 йиллик меҳнат фаолиятимни фақат шу гуруҳ тарбиячилари даврасида ўтказдим. Хурсандлигим — куни кеча мени «боғча опа» деганлар энди ўзлари она. Уларнинг фарзандлари менинг қўлимда тарбияланишаётгани эса рости мени қувонтиради.

Дилбар опага қараб ҳавасим келади. Ҳозир у 9 неваранинг севимли бувисига айланганлар. Дилбар опа кенжа невараси — Асалойни осмонга отиб эркалатиб ўйнатаркан, шу каби жажжилар эртанги кунимизнинг иқболи, ёруғ кунлар эгаси эканлигини чуқур ҳис этади.

Норинисо ҚОСИМОВА.

* *Шахсий фикр*

ҚИЗЛАР ЧИНИҚИШИ КЕРАКМИ?

БАЪЗАН зангори экран орқали қизларимизнинг каратэ, таэквандо каби шарқ яккакураши бўйича баҳслашаётганини кўриб, ўйга толаман. Аёлларимиз жисмоний меҳнат қилиш билан бирга доим чиниқиб боришлари зарур. Чунки соғлом онадангина соғлом авлод бунёдга келади. Лекин бўлажак оналар — қизларимизнинг ўзларини ҳимоя қилиш мақсадида шарқ яккакураши билан шуғулланишлари шартми? Ахир спортнинг бу турлари эркакларга хос-ку!

Маълумки, азал-азалдан шарқ аёллари ўз одоби, иффат-ҳаёси билан бутун жаҳонни лол қолдирганлар. Эркакларимиз эса сулув келинчаклар ҳамда лобар қизларимизга меҳрибонликлар кўрсатиб катта эътибор қозонишган. Шундай экан мард йигитларимиз қизларнинг ғурур ва номусларини сақлаш учун барча саъй-ҳаракатларини аямайдилар.

Баъзан ишга кетаётиб кўча-кўйда тор спорт кийимлари кийиб югураётган аёлларга кўзимиз тушиб қолади. Бу билан аёлларга спортнинг кераги йўқ, демоқчи эмасмиз. Улар ўзларига хос бўлган спорт турлари билан шуғулланиб, чиниқиб боришлари зарур.

Кези келганда шуни ҳам айтиш зарурки, мактабларда жисмоний тарбия дарсларини ҳам қизларимизга мос келадиган даражада кўриб чиқиш талаб этилади. Сабаби, уларнинг кўпчилиги бундай сабоқларда спорт кийими билан иштирок этишга уялишади. Масалан, «эшак» устидан сакраб ўтиш, умбалоқ ошиш ва арқондан кўтарилиш каби машқларда кўпчилик қатнашишни хоҳламайди.

Билдирилган бу фикрлар юзасидан ўйлаб кўрилса фойдадан ҳоли бўлмайди, деб ўйлаймиз.

Дилдора ОРИПОВА.

* *Хотин-қизлар кенгашлари фаолиятидан*

КУЧИМИЗ — ҲАМЖИҲАТЛИКДА

ТОШКЕНТ шаҳар хотин-қизлар комитети қошидаги клубнинг навбатдаги давра учрашуви мавзуси ана шундай номланди. Бунинг боиси бор, албатта. Ҳар қандай эзгу мақсадни амалга ошириш учун биринчи галда аҳиллик керак бўлади. Бунингсиз қилинган барча ҳаракатлар зое кетиши табиий. Мустақил Ўзбекистонимизнинг эртанги кун давомчилари бўлган болаларни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш ҳозирги даврнинг энг асосий вазифаларидан биридир. Президентимиз томонидан «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис қилиниши барчанинг зиммасига катта масъулият юклади. Шаҳар хотин-қизлар комитети буни чуқур ҳис қилган ҳолда фаол ҳаракат қилмоқда. Учрашувда ҳам шу ҳақда қимматли фикр-мулоҳазалар айтилди.

— Жамиятимизга соғлом фарзандлар керак. Уни биз аёллар дунёга келтирамиз, — дейди даврага раислик қилувчи Муборак Юнусхўжаева. — Шу боис аввало уларнинг саломатлигини сақлашимиз зарур. Агар ёдингизда бўлса, ўтган галги давра учрашувимиз «Соғлом фарзанд — авлод манбаи» мавзуида бўлган эди. Шундан кейин бу борада бир мунча ишлар қилинди. Ўтган бир ой мобайнида биз турли тиббиёт, ижтимоий соҳа мутахассислари билан шаҳримизнинг 22 та маҳалласида, аксарияти аёллар ишлайдиган «Орзу», «Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмаларида суҳбатлар ўтказдик. Улар ўз дардлари, муаммолари билан ўртоқлашдилар. Ҳар бир онанинг ўзига яраша ташвиши бор. Кўпчилик саломатлигидан шикоят қилади. Афсуски, ҳали талайгина ишларни амалга ошириш керак. Онанинг соғлиғини муҳофаза қилиш, унга енгилликлар яратиш лозим. Соғлом фарзанд туғилиши учун соғлом муҳит бўлмоғи мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун нима қилиш керак? Аёлларимизга биринчи навбатда шарт-шароитлар яратиш зарур. Уларнинг саломатликларига барча корхона ва ташкилотлар масъул бўлиши керак. Бугунги давранинг йиғилишидан мақсад ҳам оналар ва болалар соғлиғини тиклаш, умуман, хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилишда барчамиз бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилишдир.

Шундан кейин сўз олган ХДП шаҳар кенгашининг масъул ходими Муқаддам Расулова, касаба уюшмалари шаҳар кенгашининг аъзоси Муҳаббат Мирқосимова, Тинчлик ва ҳамжиҳатлик жамғармаси раисининг ўринбосари Муаттар Пўлатова, Болалар жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раисининг ўринбосари Хушноза Арслонова билдирилган фикрларни қўллаб-қувватладилар. Шунингдек, бу борада намунали иш олиб бораётган ташкилотларнинг тажрибалари ҳақида гапирдилар. Жумладан, Халқ демократик партияси Сергели тумани кенгашининг биринчи котиби Ёқутхон Исҳоқова шундай деди:

— Халқ демократик партияси ҳар бир масалада аёллар билан яқиндан алоқада бўлмоғи керак, деб ўйлайман. Ҳозир асосий эътиборни ана шунга қаратганмиз. Туманда 60 нафардан зиёд аёллар раҳбарлик лавозимларида ишлашади. Биз муаммоларни ҳал қилишда улар билан биргаликда иш олиб бормоқдамиз. Шу ўринда битта кичкина мисолни айтиб ўтмоқчиман. Туманимизнинг «Иттифоқ» ва «Янги ҳаёт» маҳаллаларида хотин-қизларимиз учун тиббиёт курсини очдик. Бундан ҳамма хурсанд. Чунки бола тарбиясида она учун тиббий ёрдам кўрсатишни билиш муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари ишбилармон аёллар учрашувларини ўтказдик. Бу эса ишимизни тўғри ташкил қилиш ва туман хотин-қизлари ҳаётида учраётган муаммоларни ҳал қилишда бизга катта ёрдам бермоқда.

Учрашувда қатнашган аёлларнинг аксарияти келажак авлодни баркамол вояга етказишдек асосий вазифалар ҳақида фикр-мулоҳаза билдиришди ва амалий таклифлар айтишди. Давра учрашувида уруш ва меҳнат фахрийлари ҳам иштирок этиб, шаҳар хотин-қизлар комитетининг олиб бораётган ишларини муносиб баҳоладилар.

Назира СОДИҚОВА.

* *Дилкаш суҳбатлар*

Аёл бахти нимада?

⊙ Ҳар бир соҳанинг биринчилари, ҳар бир йўлнинг ўз бошловчилари бўлади. Шундай инсонлардан бири Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, академияга қарашли «Катализ» илмий-тадқиқот институтининг гидрогенлаштириш катализаторлари ва жараёнлари тажрибахонасининг мудири, кимё фанлари доктори Муҳаббат Обидовадир. Бугун олима «Назокат» меҳмони.

— Муҳаббат опа, олима деганда тасаввуримизда кўпинча ижтимоий фан кишиси намоён бўлади. Аммо сиз нисбатан мураккаб бўлган табиий фан ривожига умрингизни бағишлабсиз. Бунинг боиси нимада?

— Бунинг боиси ана шу соҳага бўлган кучли қизиқишимдадир. Менинг ота-онам оддий ишчилар эди. Биз Эски шаҳарда — ўзбек маҳаллаларида истиқомат қилардик. Чапаев мактабида (у пайтда шундай деб аталарди) ўқиб юрган кезларимда кимё, физика ва математика фанларига бўлган қизиқишим ниҳоятда баланд эди. Мактабда фақат рус тилида сабоқ бериларди. Мен эса бу тилни яхши билмасам-да ўзим қизиққан фан тўгаракларига фаол қатнашардим. Мактабни тугатиб, Ўрта Осиё политехника институтининг кимё-технология факультетида ўқий бошладим. 1954 йили институтни тугатиб, аспирантурага кирдим. У пайтларда ҳар ким ҳам бундай бахтга муяссар бўлаверармасди. Ҳозир эса баъзи ёшларни аспирантурага таклиф этсанг ҳам келишмайди.

— Сиз олима сифатида айтингчи, аёл учун ҳаётда қайси бири асосий саналади — онлами ёки жамият ишими?

— Менимча, аёл оила ишларига ҳам, жамият ишига ҳам бирдай муносабатда бўлмоғи даркор. Чунки бу иккала мажбуриятни бири-биридан ажратиб бўлмайди. Мен ҳеч қачон оила ишини ўзим ниҳоятда севган илм ишига алиштирмаганман. Рўзғор ишини ўз ўрнига қўйиб, олимлик даражасига уйқусиз тунларим эвазига эришдим.

— Аёл киши нимаси билан гўзал?

— Аёлни гўзал қиладиган асосий омил бу — унинг ширин тилидир. Бу нарса аёлнинг асосий фазилати бўлмоғи лозим. Тили ширин аёл оилада ҳам, жамиятда ҳам ҳурмат-эътибор, эъзоз топади. Шу билан бирга ишбилармон, сариштта, тадбиркор, ақлли бўлиш ҳам уни безайди.

— Қандай аёлни том маънода бахтли дея оласиз?

— Аёл фақат фарзандлари туфайли ё бахтли ёки бахтсиз бўлиши мумкин. Фарзандлари ақлли, одобли аёл бахтлиман дейишга тўла ҳақли. Зеро, болалар ўз-ўзидан яхши фазилатларга эга бўлиб қолмайди. Фақат онанинг машаққат билан қилган тўғри тарбиясигина фарзандни камолотга етказади. Демак, бахтли ёки бахтсиз бўлиш аёлнинг ўзига боғлиқ.

— Аёл ва маърифат. Ушбу иккала тушунча сизнинг тасаввурингизда қай даражада боғлиқ?

— Нима демоқчи бўлганингизни тушундим. Кўпчиликнинг тасаввурида аёл кишининг илм олиши шарт эмас, деган тушунча ҳанузгача мавжуд. Менимча, аёл ҳар қандай замонда ҳам илмли бўлиши лозим. Албатта бунинг учун унинг ўзида илм олишга интилиш, рағбат бўлиши керак. Илмга фидойилик, интилиш бўлмаса, уни мажбурлаб ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Илмга чанқоқ аёлларнинг эса йўлига тўғаноқ бўлмаслик лозим.

— Менимаъзур тутасиз, ташқи кўринишингизни кўрган ҳеч бир киши сизни 60 дан ошган демайди...

— Мен ўз ишимни ниҳоятда севаман. Усиз ҳаётимни тасаввур эта олмайман. Киши ўз касбини қатиқ севса ҳар қандай тўсиқларни ҳам енгиб ўтади. Уйда бекор ўтиришга сира тоқатим йўқ. Бирор баҳона билан бўлса-да дарров институтга келаман. Ўзимни иш қучоғига ураман. Шундан бўлса керак, чарчаш, ҳаётдан безиб кетиш одатлари менга бегона.

— Муҳаббат опа, сиз бир вақтнинг ўзида севимли рафиқа, меҳрибон она, тадбиркор қайнона, бувисиз. Фидойи олималигингиз 200 дан ортиқ илмий мақола, 130 дан ортиқ ихтиролар муаллифи, 16 ёш мутахассиснинг устози эканлигингиздан билиниб турибди. Ана шу бурчларнинг барчаси бир ўзингизга оғирлик қилмайдими?

— Нокамтарлик бўлмаса айтмоқчиманки, мен ниҳоятда иродали аёлман. Албатта инсон ўз кучи билан барча нарсага эриша олмайди. Сиз санаб ўтган табаррук мақомларга эришишда турмуш ўртоғим, Тошкент автомобиль йўллари институтининг профессори Ботир ака Хўжаевнинг ҳиссалари катта. Қолаверса, ҳаёт мени билимли устоз, яхши иш жамоасига дуч қилди. Ҳозирда икки ўғлим отаси изидан кетди, қизим эса иқтисодчи. Демак, ҳаётда омад дегани бор гап экан.

— Ўзингизни бахтли аёл деб ҳисоблайсизми?

— Албатта. Агар ҳаёт менга иккинчи марта берилганда ҳам худди шу йўлни танлаган бўлар эдим.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.

Бу истараси иссиққина қизни «Фотон» бирлашмасидаги ишчи-хизматчилар Наргизахон деб ҳурмат билан тилга олишади. Бу бежиз эмас, албатта. Телевизорнинг эҳтиёт қисмларини йиғиш сирларини қунт билан эгаллаб олган Наргиза Одилова бирлашма қошидаги «Нодира» кичик корхонасининг илғор ишчиларидан биридир.

СУРАТДА: Наргиза Одилова.

Рустам Шарипов сурати.

* *Бир шингил табассум*

ЖАВОБСИЗ ҚОЛДИ

«АЖАБСАНДА» маҳалласида келинчаклар ва жувонларнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ўртага ташланган қуйидаги саволларга жавоб бериш учун ҳеч ким қўл кўтармади:

— Қайси келин ўзининг қайнонасини яхши кўради?

— Ким пулни ёқтирмайди?

— Ким эри билан уришганда битта гапдан қолади?

ПУШАЙМОН

ГЎЗАЛ исмларнинг ҳақиқий мухлиси Тайинқул кўплаб ўзи севиб, уйланмоқчи бўлган қизларнинг исмлари хунук бўлгани учун орани очиқ қилган эди. Тўғри-да, Жийдагул, Сарсоной, Қовоқбиби каби номларнинг эгаларига у умрбод мурожаат қилиши керак эди. Ниҳоят бахт кулиб боқди. У Соҳибжамол исмли қизга уйланди. Лекин тўйдан кейин келиннинг бисотидан биринчи, яъни ҳақиқий паспорти чиқиб қолди. Маълум бўлишича, унинг асл исми Бесоатхон экан...

Фойдасиз пушаймон азобини тортаётган куёвга онаси тўйга кетган ҳаражатларни эслатиб, таскин бермоқда...

Зокир ТУРСУНОВ.

* *Турмуш чорраҳаларида*

МЕҲРСИЗЛИК МУСИБАТИ

ГОҲ трамвайда, гоҳо одам гавжум бекатларда бир аёлни тез-тез учратаман. Қўлида юк ҳалта, кийими юпун. Кўзларида чуқур ҳасрат, киши англаб бўлмайдиган бир изтироб...

— Болаларингиз йўқми, ая? — дейман. Жавоб ўрнига кўзида шашқатор ёш билан дуога қўл очиб, юзига фотиҳа тортади.

Айтган сўзимдан ҳижолат бўлиб, аёлнинг ортидан қараб қоламан.

Ҳеч кими йўқмикин, бўлса нега бу аҳволга ташлаб қўйибди? Кўнглимдан кечаётган бу саволни худди англагандек, «Болалари бор бу аёлнинг, — деди рўпарамда турган бир аёл.—Бизнинг маҳаллада, икки ўғли бор. Дуруст жойларда ишлашади. Келинлари ҳайдаворишган, қизим».

Бенхтиёр болалик хотираларим жонланиб, кўз олдимга онам келади. Наҳот дунёда она меҳридан ҳам устун нарса бўлса? Наҳот ўша бугунини ўйлаган келинлар, мансабпараст ўғиллар эрта бир кун ўзлари шу ҳолга тушишлари мумкинлигини билишмаса? Ахир бу дунё «қайтар дунё» деб бекорга айтишмаганку. Яхшими, ёмонми она бу—она!

Оналар қанчалар мурувватли, қанчалар бағри кенг, қанчалар меҳриримли! Дунёда она дийдоридан улуғ неъмат йўқ. Тақдир тақозоси билан неча йилки онам меҳри армон! Иссиқ кўкракларига бош қўйиб эркаланиш армон!.. Аммо нега баъзилар дунёда ҳеч нимага қиёслаб бўлмайдиган Она дийдоридан, Она бағридан юз бурадилар. Ахир бу дийдор ҳам ғаниматку!

Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонунига киритилганидек, фарзандлар ўз бурчларини муқаддас билишларини истардим. Ота-онасини аянчли аҳволда ташлаб қўйган ўғиллар жамоатчилик олдида изза қилинса юқоридаги ҳолатлар, қариялар уйининг номи ҳам бўлмасмиди?

Дилором САРМОНОВА.

* *Нафосат шайдолари*

ЗЕБОЛИК СИРЛАРИ

КИШИНИНГ ташқи қиёфаси ҳам инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, ташқи кўринишида турли камчиликлар бўлган кишиларнинг руҳий азоблари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Аммо ҳар бир хасталикка ҳам ўз вақтида малакали шифокорларга мурожаат қилиб, даво топиш мумкинлиги эса кўпчиликнинг хаёлига келавермайди.

1980 йилда 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти тери касалликлари кафедрасининг профессори Радик Капкаев ва Ўрта Осиё темир йўллари даволаш-санитария хизматининг бошлиғи Шавкат Эшонхўжаевлар ташаббуси билан Ўрта Осиё темир йўллари тери касалликлари диспансери негизида ташкил этилган косметик даволаш хонаси тери ва сочда учрайдиган хасталикларни даволаш ва унинг олдини олиш юзасидан фаолият кўрсатиб келяпти.

Косметик даволаш хонаси керакли тиббиёт жиҳозлари билан етарлича таъминланган. Ўн тўрт йилдан буён турли тери хасталикларига шифо излаб келган беморларга малакали муолажа кўрсатаётган олий тоифадаги косметолог шифокор Светлана Қодировани бемор йигит Баҳодирга хизмат кўрсатаётган пайтида учратиб у билан суҳбатлашдик.

— Бизнинг биринчи галдаги мақсадимиз кишиларни руҳиятларига азоб берувчи турли тана камчиликларидан ҳоли этиш. Даво топиб кетаётган мижозларимизнинг хушрўй бўлиб, эртанги ҳаётларига, ўзларининг соғломлигига ишонч ҳосил қилаётгани бизнинг ўз касбимизга меҳримизни янада оширмоқда. Ҳозирги кунда йирик ҳоллар, сўгаллар, танага ўчмайдиган снёҳ билан ёзилган турли ёзувлар, юз қон томирининг кенгайиши туфайли юздаги шишлар, соч тўкилиши ёхуд жуда тез ўсиши ва бошқа хасталиклардан азоб чекаётган беморларга хизмат кўрсатиш имкониятига эгамиз, — дейди Светлана Рашидовна.

Косметик даволаш хонаси қошида пластик жарроҳлик бўлими ҳам мавжуд бўлиб, унда қулоқ, бурун, сут безлари шаклини тўғрилаш, танадаги ортиқча эт қатламларига барҳам бериш ишлари олиб бориляпти. Шунингдек, бу ерда қариликка бўй беришни истамаётган кишилар учун кремлар, тальк минерали ёрдамида юқори малакали уқалаш хизматлари, шифобахш ва парафин ниқоблари билан даволаш хизмати ҳам кўрсатилади.

— Юз-баданни чиройли қилиш касбига меҳр сизда қачон уйғонган?

— 1977 йили 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетини муваффақиятли тамомлагач, косметик даволашга қизиққаним учун ўз билимимни ошириб бордим. 1979 йилдан косметолог касбида ишлаб келяпман. Бир неча хорижий давлатларда бўлиб даволашнинг илғор усуллари ҳамда терининг косметик нуқсонларини шифолаш учун чиқарилган янги дорилар билан танишганлигим анча қўл келмоқда. Тўғри, кейинги пайтларда ташкил этилаётган кўплаб косметик даволаш хоналари замонавий хориж асбоб-анжомлари билан жиҳозланган бўлиши мумкин. Лекин беморларни даволашда бу муҳим эмас, асосийси шифокор косметолог ва уқаловчиларнинг енгил қўллари, катта тажрибалари, ширин тилларидир, деб ўйлайман. Албатта, ҳозир турли дори-дармонлар, кремлар, мойли малҳам дориларнинг танқислиги сезилмоқда. Шундай шароитларда бўлимимизда чакандали крем, биокремлар, доривор ўсимликлардан тайёрланган ва танани оқартирувчи, гормонли кремлар технологияси ишлаб чиқилиб амалда қўлланилмоқда.

Ҳа, Светлана Қодирова ва у билан бирга ишлаётган юқори малакали косметолог шифокорлар, тажрибали уқаловчилар ўз касбига сидқидилдан ёндошиб меҳнат қилишмоқда. Улар кишиларни турли ташқи қусурлардан ҳоли қилиб, гўзаллик бахш этиш йўлида бор куч, билимлари ва имкониятларини аямаяптилар.

Биз қабулга келган беморлардан Баҳодир, Света ва Нодиралар билан суҳбатлашганимизда, улар юзларидаги хасталиклардан халос бўлаётганлигидан беҳад мамнун эканлигини билдиришди.

Дарҳақиқат, кишиларга хуш кайфият бахш этиб, саломатлигини тиклашга ёрдам бераётган, инсон учун олижаноб орзу-умидлардан бири бўлган гўзалликни ҳадя этаётган Светлана Қодированинг хизмат хонасидан қайтаётиб, кишиларнинг соғлиқ ва гўзаллигини тиклашда асло толманг, дедик.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

СУРАТДА: олий тоифадаги косметолог шифокор Светлана Қодирова.

Андрей Пишненко сурати.

МАЪЛУМКИ, сўнгги йилларда Туркия сайёҳлик марказига айланиб, бу тармоқ мамлакат иқтисодига анча фойда келтирмоқда. 1992 йилда Туркиянинг ташқи савдода бўлган камомади 8 миллиард долларни ташкил этган. Мустаҳкам валютанинг танқислиги ўсиб бораётган бир пайтда Туркия ҳукумати сайёҳлик соҳасига ўз эътиборини янада кучайтирмоқда. Нега деганда бу мамлакатга миллионларча доллар келтирмоқда.

Ўтган йилнинг ўзида Туркияга тахминан 8 миллион сайёҳ келган ва мамлакат 3,4 миллиард доллар даромад қилган. Охирги йилларда собиқ Совет Иттифоқидан келган саёҳатчиларнинг сони анча кўпайган.

Сайёҳлик соҳаси Туркияда яхши ривожланаётганлигига қарамай, унинг олдида турли муаммолар ҳам бор. Охирги йиллар хорижий мамлакатларда Туркияга бўлган қизиқиш анча ўсиб, мингларча саёҳатчилар турли минтақаларга кела бошлаганлар. Аммо, Туркия ўз навбатида Ғарб сайёҳларининг талабига муносиб хизмат ва меҳмонхоналарни тезлик билан ярата олмаяпти. Бунинг натижасида у шу кунда кўрсатаётган хизматларига юқори даражада пул талаб қила олмагани учун анча даромадни йўқотишга мажбур бўлмоқда. Шунинг учун Туркия дунёда сайёҳлик жиҳатидан арзон мамлакат, деб ҳисобланади.

* *Хорижда*

САЙЁҲЛИК РАВНАҚИ

Туркияга бу йил 8 миллион саёҳатчилар келиши ва улар орқали 4,5 миллиард доллар пул топиш кутилмоқда. Лекин Туркияда «люкс» меҳмонхоналарининг етишмаслиги ва хизмат кўрсатишларнинг Ғарб мамлакатлари талабларига ҳали-вери мос келмаслиги бу йил 4,5 миллиард доллар ишлашини шубҳа остида қолдирмоқда. Туркия ҳукумати шуларнинг ҳаммасини инобатга олган ҳолда бу соҳани тезлик билан янада ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. 1993 йили ёлғиз Германиядан Туркияга 1,3 миллион киши келиши кутилмоқда. Шу кунларда Германияда турк сайёҳлик маркази фаолият олиб бормоқда. Лекин, Германиядан Туркияга борадиган сайёҳларнинг сони келажакда янада ўсиб бориши имконини инобатга олиб, Туркия улар талабига мос келадиган хизмат ва меҳмонхоналарни кўпайтириши лозим бўлади. Маълумки, фақат юқори даражада кўрсатилган хизмат эвазига янада кўпроқ пул топиш мумкин бўлади.

Туркия дунё эътиборини фақатгина бу соҳада эмас, балки астасекин бизнес маркази сифатида ҳам тортиши кутилмоқда. Собиқ Совет Иттифоқи парчаланганидан бери Туркия Ғарб ишбилармонларини Ўрта Осиё жумҳуриятлари билан алоқа ўрнатишларида бамисоли кўприк вазифасини ўйнамоқда. Масалан, Ҳановер халқаро кўргазма маркази Ўрта Осиё жумҳуриятлари билан алоқаларини ўрнатиш мақсадида Истамбулда 1994 йилнинг июнь ойида «Авразия индустри фуари» номли халқаро кўргазма ўтказишни режалаган. Мазкур кўргазмада 500 фирма қатнашиши кутилмоқда. Лекин, ҳозиргача Истамбулда замонавий халқаро кўргазмаларни ўтказиш учун махсус жой қурилмаган. Шунинг учун Туркия ҳукумати асосий аҳамиятни янада мамлакатнинг инфраструктурасини ривожлантиришга қаратмоқда.

(«Садо», «Озодлик» радиостанцияси эшиттиришлари асосида).

«БОҒИ ЭРАМ»-ДАГИ БЕЛЛАШУВ

ШАҲРИМИЗДАГИ сўлим ва файзли оромгоҳлардан бири «Боғи Эрам» маданият ва истироҳат боғида яна бир ажойиб тадбир — «Ёш санитар дўстлар» деб номланган шаҳар мактабларидаги санитар постларининг финал мусобақалари бўлиб ўтди. Шуни эслатиб ўтиш ўринлики, кўча ҳаракати қоидаларини болалар онгига сингдириш, фавқулодда ҳолатларда биринчи тиббий ёрдам бериш кўникмаларини фарзандларимизга ўргатишга бағишланган мазкур хайрли тадбирда пойтахтимизнинг ҳар бир туманидан бу борада энг билимдон ва тайёргарлиги кучли биттадан мактаб иштирок этиб, болажонлар ўзларининг амалий ва назарий қобилиятларини намойиш этишди.

Пойтахт Қизил Ярим Ой жамиятининг ташаббуси билан ўтказилган «Ёш санитар дўстлар» мусобақасининг пухта ва маъмундор ўтишига кўп жиҳатдан унга шаҳримиздаги халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бош бошқармалари, пойтахт фуқаролар мудофааси бошқармаси, шаҳар Давлат автомобиль назорати бошқармаси, Ёшлар Иттифоқи Тошкент шаҳар комитети, шаҳар маданият бош бошқармаларининг яқиндан туриб бош қўшганликлари сабаб бўлди. Чунки мусобақа шартлари кўча тасодифларида, фавқулодда ҳолларда ва транспорт тўқнашувларида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, касалларни транспорт воситаларида тўғри элтиш, доривор ўсимликлар ва уларнинг қандай хасталикларга ишлатилиши, шахсий ва жамоат гигиенаси, Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятларининг тарихи, кўча ҳаракати қоидаларини мукаммал билиш каби барча учун зарур ва ҳаётда асқотадиган 7 та босқичдан иборат эди. Шунингдек ҳар бир мактабнинг йил бўйи ўқув даргоҳида санитария-соғломлаштириш борасида қилинган ишлари акс этган санитария деворий газеталарининг ҳам танлови ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Қулаҳмад Ризаев мусобақа қатнашчиларига омад тилаб уни очгач, қизиқарли беллашувлар бошланиб кетди. Умумий баллар ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳисобланганда жами 140 балл тўплаган Собир Раҳимов туманидаги 29-мактаб ўқувчилари ушбу мусобақанинг ғолиби бўлганликлари аниқланди. Миробод туманидаги 60-ўрта мактаб болалари 139 балл билан иккинчи ўринни эгаллашди. Учинчи ўринни эса бир хил натижа кўрсатган икки мактаб — Мирзо Улуғбек туманидаги 208 ва Ҳамза туманидаги 61-мактаб ўқувчилари ўзаро бўлишиб олишди. Санитария постларининг ишлаб келган деворий газеталари баҳсида эса Акмал Икромов туманидаги 297-мактаб ўқувчилари ғолиб бўлишди. Мусобақа ғолиблари ҳомийлар томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар, пул мукофотлари, фахрий ёрлиқлар, Кубоклар билан тақдирланишди. «Боғи Эрам» оромгоҳи эса ўз навбатида қатнашчиларни мусобақадан сўнг аттракционларда бепул дам олишларини таъминлади. «Файз» ва «Континент» халқ чолғу ва вокал дасталарининг шўх, жозибали куй ва қўшиқлари ҳам болалар қувончига ҳамоҳанг бўлди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, 29 ва 297-мактаб ўқувчилари август ойида ўтказиладиган Республика миқёсидаги «Ёш санитар дўстлар» мусобақасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

СУРАТЛАРДА: болалар ўз билимларини ана шундай уюшқоқлик билан намойиш қилишди.

Андрей Пишченко суратлари.

НОЁБ ЖАМҒАРМАЛАР

⊙ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ энг яхши музейи» деган номга эга бўлган Ўзбекистон табиат музейи ташкил топгандан буён ўтган давр мобайнида Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларига уюштирилган экспедицияларда тўпланган материаллар унинг бой фондини ташкил этди. Шулардан бири энтомология фонди бўлиб, у 500 мингдан ортиқ ҳашаротлар намунасидан иборат. Марказий Осиёдаги энг йирик энтомология коллекцияси ҳисобланади. Фонд асосини ташкил этган қўнғиз турлари сингари 1921 йили энтомолог А. А. Мель томонидан музейга тақдим қилинган 1290 намунадан иборат ўлканинг ёввойи ўсимлик ва ҳар хил қўзиқоринлар коллекциясидан иборат.

⊙ БОТАНИКА фонди 1923 йили ботаник олим Е. П. Коровин ташаббуси билан ташкил этилган. У муттасил тўлдириб келинди ва айни вақтда 37.000 гербарий — қуритилган ўсимликлар, дарахт турларининг кесмалари ҳамда ўлканинг ёввойи ўсимлик ва ҳар хил қўзиқоринлар коллекциясидан иборат.

⊙ ГЕОЛОГИЯ фонди Ўзбекистон ҳамда Ўрта Осиёнинг бошқа республикалари конларидан топилган минерал ва фойдали қазилма намуналари асосида юзага келган. Палеонтологик коллекцияда балиқ, ҳашарот, ҳар хил ўсимликлар баргининг излари, тошга айланиб қолган дарахт таналарининг бўлаклари, моллюскаларнинг тошдек қотган чиғаноқлари бор.

⊙ ЗООЛОГИЯ фонди. 1887 йили Тошкент музейининг зоология бўлими каталоги асосан 100 нусхали қушлар коллекциясидан иборат бўлган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 5000 нусхадан ортади. Уларнинг аксариятини қушлар ва кемирувчи ҳайвонлар ташкил қилади. Ушбу коллекциядан хориждаги мутахассислар ҳам фойдаланишмоқда.

Анвар АЛИБОЕВ.

* *Ажойиботлар*

ДАРАХТЛАР ГУВОҲЛИК БЕРАДИ

МОЛДОВАДА 800 дан ортиқ кўҳна дарахтлар муҳофаза қилинмоқда. Айниқса, Кобильня қишлоғидаги 600 яшар эман дарахтини сақлаб қолиш учун кўп чоралар кўрилди. Чунончи, ботаникларнинг махсус анжумани ўтказилди, дарахтлар танасидаги снаряд бўлаклари олинди, ёрилган ва лат еган жойлари даволанди, дарз ва тешиклари бекитилди. Машиналардан чиққан газлардан сақлаш учун дарахт яқинидаги автомобиль магистрал йўлини узоққа кўчиришга қарор қилинди.

Украинада табиатни муҳофаза қилиш бўйича Давлат комитетининг ташаббуси билан мутахассислар 100 ёшдан ошган дарахтлардан 3295 тасини ҳисобга олди. Масалан, Полтова жангининг гувоҳи бўлган 25 метрли Пётр I эмани (Харьков—Полтава йўли бўйида), соясида Тарас Шевченко бир неча бор ҳордиқ чиқарган дуб (Днепр қирғоғида), Пушкин номи билан боғланган Раевскийларнинг собиқ боғидаги машҳур сарв дарахти, Улуғ Ватан урушида халқ қасоскорларини кузатиш жойлари хизматини ўтаган дарахтзорлар бор.

КУЮНЧАК МАЙМУНЛАР

ЭЛЬЗА лақабли павиана маймуни эчки боқишга жуда уста. У эчкиларни эрталаб яйловга ҳайдайди, кун бўйи уларни боқади ва кечқурун яна фермага ҳайдаб келади. У тунда ҳам тинчимайди. Эчкилар қўрасида ухлаб уларга кўз-қулоқ бўлиб туради.

Бу «чўпон»нинг ажойиб одатлари бор. Эчкиларнинг қимжон улоқлари эмишга қийналса, маймун эринмай, эмишига ёрдамлашади. Яйловда эчкиларнинг кўзи ёриса «чақалоқ»ни фермагача қўлида кўтариб келади.

Яна бир қизиқ воқеа. Жанубий Африканинг Порт-Элизабет шаҳрида истиқомат қилувчи Дж. Уайт деган киши жиддий жароҳатланиб оёғидан айрилади. У касалхонадан чиққанидан кейин Жек лақабли бабуин маймунига турли ишларни ўргата бошлайди. Маймун тез орада қудуқдан сув ташиш, боғдаги дарахтлар атрофидаги тупроқни юмшатиш каби ишларни бажарадиган бўлади. Уайт унга темир йўл стрелкаларини буриб туришни ҳам ўргатади. У ўн йил давомида темир йўл стрелкаларини буришда деярли хатога йўл қўймаган.

УЙҚУ КАСАЛЛИГИНИ ҚЎЗҒАТАДИ

ЦЕЦЕ пашшаси Африкада яшайди. Бу ерда уларнинг 300 тури мавжуд. Бу пашшанинг бир тури одамларни, туёқли йирик ҳайвонларни чақса, бошқа турлари қуш, қуён, тулки, эчкиэмар ва тимсоҳларни чақади.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш зарурки, бу жонивор мудҳиш уйқу касаллигини юқтиради. Масалан, асримиз бошида Мёричсон шаршараси этагидаги қишлоқларда ана шундай фалокат рўй берган. Уйқу касаллиги 10 йил ичида ярим миллион кишининг ёстиғини қуритган.

Цеце пашшаси ҳайвонлар қонини сўрганда қон билан бирга унинг ичагига трипасономалар ҳам ўтади. Улар ичакда урчиб кўпаяди ва икки ҳафтадан кейин ичак бўйлаб пашшанинг сўлагидан қонга ўтади. Трипаносомалар уйқу касаллигини қўзғатади. Одамни чаққанда иситмаси ҳафталаб тушмайди, кейин аксинча беморни уйқу босади. У ҳадеб ухлайверади, озиб кетади. Одатда икки йилдан кейин вафот этади.

Самад ШОДМОНОВ тайёрлади.

ИЛИҚ ХОТИРАЛАР

ШАЙХОНТОҲУР туманидаги Большевик кўчаси қишлоқ хўжалиги соҳасига кўп меҳнати сингган Тожи Расулов номи билан атала бошланди. Шу муносабат билан эл эъзозлаган инсоннинг шу кўчада истиқомат қилувчи фарзандлари хонадонида маросим бўлиб ўтди. Унда Шайхонтоҳур тумани ҳокими Атҳам Миржалилов, Мирзо Улуғбек тумани ҳокими Шавкат Мирзиёев, Янгиобод маҳалла фаоллари ҳамда Тожи Расулов туғилиб ўсган Сурхондарё вилояти Шеробод туманидан меҳмонлар иштирок этиб, умрини юрт фаровонлигига бағишлаган инсон ҳақида ўз хотираларини илиқ сўзлар билан эслашди.

Мажид РАИМОВ.

* *«О2» хабар беради*

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

1993 йилнинг 10—16 май кунлари Тошкентда 319 марта жиноятқорона ҳаракатлар содир этилганлиги Ички ишлар идоралари томонидан қайд этилди. Уша кунлар ичида улардан 248 нафари «изларсиз йўқолмасдан» туриб очиб ташланди. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жиноятларнинг очилиш даражаси сезиларли даражада ошган.

⊙ 10 май куни икки номаълум кимса Юнусобод даҳасидаги уйлардан бирида истиқомат қилувчи уй бекасининг хонадонига кириб, аввал хонадон соҳибасини қаттиқ дўппослаганлар, сўнг унинг сариқ металлдан тайёрланган тақинчоғи, 6 та аудиокассетаси ва 7000 сўм пулини олиб бир зумда ғойиб бўлганлар. Бундан хабар топган Юнусобод тумани Ички ишлар бошқармасининг шаҳар 2-милиция бўлимининг ходимлари зудлик билан жиноят жойига етиб келишди ва тез орада мазкур ўғирликда айбланиб ҳеч қаерда ишламайдиган икки ёш йигит қўлга олинди.

⊙ Худди шу куни 1968 йилда туғилган Қашқадарё вилоятининг фуқароси Чилонзор туманидаги уйларнинг бирида истиқомат қилувчи жазманининг хонадонига ойна орқали кирган ҳамда рашк қилгани сабабли унинг ухлаб ётган эри — завод ишчисига пичоқ урган. Натижада бечора эрнинг ўша заҳоти жони узилган. Бироқ ўта аблаҳ қотилни Чилонзор тумани Ички ишлар бошқармасининг қилган қирқ ёрадиган ходимлари тез орада қўлга олишди.

⊙ 12 май кундузи номаълум кимса Иркутск кўчасида жойлашган автобаза олдидан 1946 йилда туғилган фуқарога тегишли бўлган РАФ русумли автомашинани олиб қочган. Мирзо Улуғбек тумани Ички ишлар бошқармаси милиция ходимлари томонидан тузилган «қўлга олиш» режаси асосида жиноятчи тез орада ашёвий далиллар билан «Яланғоч» даҳасида ушланди. Маълум бўлишича у 1963 йилда туғилган, муқаддам судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган кимса экан.

⊙ Шу куни уч номаълум кимса юзларига ниқоб тутган ҳолда Шайхонтоҳур туманидаги квартираларнинг бирининг эшик қўнғироғини чалишган ва эшик очилгач ичкарига ёпирилиб киришган. Сўнг шу вақт уйда бўлган хонадон соҳибаси ўғлининг оёқ-қўлини боғлаб, унга пичоқ билан дўқ уришган ва 20 хил қўлга илинғулик буюмларни олиб, кўздан яширинишга уринишган. Ушбу босқинчилик ҳақида тез орада Шайхонтоҳур тумани Ички ишлар бошқармасига хабар берилди. Туман жиноят қидирув хизмати ходимлари кўрган чора-тадбирлар натижасида юқоридаги жиноятни амалга оширишда айбланиб 1973 ва 1971 йилда туғилган Пржевальск шаҳрининг фуқаролари ҳамда ҳеч қаерда ишламайдиган, 1973 йилда туғилган Тошкент вилояти фуқароси қўлга олинди.

⊙ 13 май куни Мирзо Улуғбек тумани ИИБ участка назоратчиси томонидан Ўрта Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўтиш жойида автомашинасида умумий қиймати 53.220 сўмлик 8 ўрам мисни олиб чиқиб кетаётган ушбу корхона ҳайдовчиси ушланди.

⊙ 14 май куни 1973 йилда туғилган шахс устидан тергов ишлари олиб борилаётган пайтда маълум бўлдики, у шу йилнинг январь ойида ўзининг шериги билан Иваново тўқимачилари кўчасида истиқомат қилувчи ширкат ишчисининг хонадонига кирган ва уй эгасини пичоқ билан қўрқитиб унинг телевизори, музлатгичи, 2 та гилами, палоси, магнитофонини олиб жўфтакни ростлашган. Ҳозир мазкур факт юзасидан ҳам ашёвий далиллар олиниб, жиноий иш қўзғатилган, тергов ҳаракатлари кетмоқда.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг матбуот гуруҳи.

* *Билиб қўйган яхши*

ЁЗУВ ДАФТАРИ

Ҳар сўзки кўнгилдин ўлди мавжуд,
Ҳат бўлмаса бўлғай эрди нобуд.

УЛУҒ шоир, тарихчи ва хушхат олим Мунис Хоразмийнинг «Саводи таълим» рисоласида ёзув ана шундай таърифланган. Ҳар бир нарсанинг ўз тарихи бўлганидек, ёзув дафтарининг ўзига хос тараққиёт йўли бор. Бундай дафтарни такомиллаштиришга қадим-қадимдан катта эътибор берилган.

Итальян олими Сальвана Даниелс ёзувнинг вужудга келиши ва заруратга айланишида имкон яратган шароитлар ўтроқлик ва бундай турмуш тарзидан келиб чиқадиган барча оқибатлар, яъни деҳқончилик, чорвачилик, йирик қишлоқ жамоалари вужудга келишидан иборат деб таъкидлайди. Шунингдек кишилик ҳаётидаги иқтисодий ва сиёсий воқеаларни қайд этиш уруғ-аймоқлар, қариндошлар билан ёзма алоқа қилиш зарурати ёзув қуроллари масаласини ҳал қилишни ўртага қўяди.

Хўш, ёзув қуроли сифатида дафтарнинг ибтидоси қандай бўлган? Ибтидоий жамоа тузуми даврида яшаган аждодларимизнинг иш қуроллари асосан тош бўлгани, шунинг учун бу давр тош асри деб аталиши ҳаммага маълум. Инсонятнинг ёзув дафтари ҳам дастлаб тош бўлганки, бунга турли тошлару қоғозларга ўйиб туширилган тасвир ва ёзувлар яққол гувоҳдир.

Кейинроқ кишилар ҳар хил бутоқларга ипларни турли шаклда тугиш йўли билан ёзма фикрни ифодалашга ҳаракат қилишган. Бунга перуликларнинг кипу ёзуви мисол бўла олади. Суратли ёзув — пиктография учун эса ёзув дафтари ўрнини сопол идишлар ва ғор деворлари ўтай бошлаган. Аста-секин бу ёзув иероглиф — «белгилар» билан ифодаланадиган бўлди. Йиллар ўтиши билан улар шаклан ўзгарди, соддалашди ва халқ ёзувига айланди.

Ёзув тараққий этган сари ёзув қуроллари ҳам такомиллашиб борди. Мисрликлар ҳайвон терисидан қоғоз сифатида фойдаланишни ўйлаб топишган. Кейинчалик Нил соҳилларида ўсадиган қамишсимон ўсимлик—папирусни жуда кўп соҳаларда ишлатиш билан бирга дафтар ўрнида ҳам қўллай бошлашган.

Юнон алифбоси асосида яратилган лотин алифбоси Римдан бутун Европа бўйлаб тарқалган бир даврга келиб Хитойда биринчи марта қоғоз кашф этилди. Бу буюк ихтиро туфайли эса ёзувни эгаллаш анча осонлашди.

Воҳид ВАЛИЕВ тайёрлаган.

* *Маданият масканларида*

ИЛМЛАР КУНИ

МУХТОР Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси-да ҳар ўқув йилининг сўнгги чорагида талабаларо «Илмлар куни» деб аталган илмий-ижодий анжуманнинг ўтказилиши яхши анъанага айланган. Яқинда мазкур олий мусиқий илмгоҳда навбатдаги «Илмлар куни» ўтказилди. Икки босқичдан иборат бу анжуман дастлаб ҳар бир факультет доирасида бўлиб ўтди. Қизиқарли мунозаралар, қизғин баҳсларга айланиб кетган ўзига хос беллашувда талабалар ўз мутахассисликларига оид хилма-хил мавзулардаги маъруза ва ахборотлар билан қатнашдилар. Фортепиано, пуфлама чолғулар каби ижрочилик куллиётлари талабалари маърузаларига ҳамоҳанг мусиқа намуналаридан мисол тариқасида ижро этиб чиқишларининг янада қизиқарли ва жонли бўлишига имкон яратдилар. «Илмлар куни» муҳокамасида ғолиб деб топилган талабалар II босқичга — умумолийгоҳ конференциясига тавсия қилиндилар.

Концертдан сўнг ўқитувчи ва талабалар иштирокида давра суҳбати бўлди. Унда изланувчан ва ижодкор талабаларнинг бугунги чиқишлари ҳақида мунозаралар, таклиф ва истаклар билдирилди.

Анжуман ниҳоясида ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ирода ДАДАЖОНОВА,
Тошкент Давлат консерваторияси толибаси.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

Агар Сиз ер ости газ қувурлари, қудуқлари ёки ертўлалардан газ ҳиди чиқаётганлигини сезиб қолсангиз,

ДАРҲОЛ ҚУЙИДАГИ ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИНИ КЎРИНГ:

— очиқ аланга ёқманг;
— чекманг;
— электр чироқларини ёқманг ва ўчирманг ҳамда бу ҳақда албатта 48-56-24, 48-55-29 телефонлари орқали

ЕР ОСТИ ГАЗ ҚУВУРИ ХИЗМАТИГА ЁКИ

53-56-19, 55-44-27, 55-44-29
телефонлари орқали «ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИНИНГ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТИГА

МАЪЛУМ ҚИЛИНГ.

ЁДИНГИЗДА БЎЛСИН! Ер ости газ қувуридан газ сирқиб чиқиши жиддий хавф-хатар манбаи бўлиб, бу ҳолат ертўлалар, қудуқлар, шунингдек, турар жой биноларида портлаш хавфи бўлган муҳитни юзага келтириши мумкин.

Ер ости газ қувуридан газ сирқиб чиқишини бартараф этиш юзасидан ўз вақтида кўрилган чоралар — Сизнинг хавфсизлигингиз гаровидир.

Шу билан бирга, газ қудуқларида портлаш хавфи бўлган органик газнинг тўпланиб қолиши ва бу газ одамни бўғиб қўйиши мумкинлигини эслатиб ўтамиз.

БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА:

— бегона кишиларнинг газ қудуқлари ичига тушиши;
— ота-оналарнинг болаларнинг қудуқлар ичида ва улар ёнида ўйнашига йўл қўйиши;
— қудуқлар устида ва улар ёнида оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган гулхан ёқиш

ҚАТЪИЙ ТАҚИҚЛАНАДИ

«ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИ.

Узбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги
ЎЗБЕК ХОРЕОГРАФИЯ БИЛИМ ЮРТИ
ЎҒИЛ ВА ҚИЗ БОЛАЛАРНИ
ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

10 ёшдан «БАЛЕТ АРТИСТИ» бўлимига, 14 ёшдан «ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИ АРТИСТИ» бўлимига.
ҚАБУЛ 1993 ЙИЛ 1 ИЮНДАН УЧ БОСҚИЧДА ЎТКАЗИЛАДИ.
Шанба кунлари соат 15 дан 18 гача маслаҳатлар берилади.
БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДА ЕТОҚХОНА БОР.
Манзилгоҳимиз: Педагогика кўчаси, 31-уй.
Телефонлар: 56-24-36, 56-33-27.

АКМАЛ ИКРОМОВ туман ҳокимлиги қошидаги
«НИЛУФАР» КООПЕРАТИВИ
ТУГАТИЛДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Чилонзор даҳаси, Саноат кўчаси, 14-уй.

Ўзбекистон Сув хўжалиги вазирлигининг
ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОРЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ТАЖРИБА-МЕХАНИКА ЗАВОДИ
Бўстонлиқ туманидаги хушманзара ХУМСОН қўйнида жойлашган
«ИРРИГАТОР»
ЁЗГИ БОЛАЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲИГА
пайд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан
ЙЎЛЛАНМАЛАР СОТАДИ.
Тошкент шаҳридаги мулоқот телефонлари: 48-23-66, 48-24-39.

ДИҚҚАТ!
Октябрь туманидаги «АЛ-ИСЛОМ» ФИРМАСИ
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 47-86-66 телефони орқали қабул қилинади.

«УЗСЕЛЬХОЗХИМИЯ»
РЕСПУБЛИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИГА
КАТТА БУХГАЛТЕР КЕРАК
Маълумот учун телефонлар: 62-13-67, 62-84-21.

Тошкент шаҳар ва вилоят касаба уюшмалари кенгашлари, шаҳар ва вилоят тармоқ касаба уюшмалари комитетлари Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раиси

Мирзамавлон Мирзаахмедович МИРПЎЛАТОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур қайғурадилар ва марҳумнинг оиласига ҳамда яқинларига ҳамдардлик изҳор этадилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши жамоаси Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг раиси

Мирзамавлон Мирзаахмедович МИРПЎЛАТОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Комитети «Камалак» нашриёт-матбаа бирлашмаси жамоаси нашриёт бош директори Мирзадаврон Мирпўлатовга укаси

Мирзамавлон МИРПЎЛАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасининг Трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси жамоаси Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийси

Салимжон Олимжонович ЮСУПОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Туркистон» савдо уйининг Савдо ва умумий овқатланиш корхонаси жамоаси корхона раҳбарининг муовини Р. У. Носировга онаси

Ҳикоят НОСИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 000101.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Буюртма Г—120. 19899 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, Қоғоз бичими А—2. Нашр кўрсаткичи 64690.

■ Босмага бериш вақти 11.30 ■ Босмага берилди 11.30. Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

/ Буюртма Г—226. 19919 нусхада